



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
28 июнь
ЧОРШАНБА
№ 50
(11.853)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нарҳда сотилади

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига

Қадри дўстлар!

Авваламбор, сиз, ҳурматли журналистлар, нашриёт ва матбаа соҳаси фидойилари, оммавий ахборот воситалари ходимларини бугунги касб байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана, ўн уч йилдирки, 27 июнь санасини юртимизда миллий матбуот кунини сифатида кенг байрам қилиш яхши бир афъанга айланган қолди. Бу байрам нафақат шу соҳа вакиллари, балки уларнинг ижод ва меҳнат маҳсулидан баҳраманд бўладиган миллионлаб муштарийлар, барча зиёлиларимиз орзиқиб кутадиган ва хурсандчилик билан нишонлайдиган кутлуг айёмдир.

Халқимиз, жамоатчилигимиз матбуот аҳлини Ватанимиз манфаатларининг фаол ҳимоячиси бўлган, давлат ва жамият ўртасида бамисоли ҳолис воситаси ва муҳим сифатида филолат кўрсатадиган, мамлакатимизнинг янгилашиши ва тараққиёти йўлида олиб борилаётган ислохотларни кўзланган мақсад ва манзилларга етказишда доимо излашиб яшайдиган фидойи инсонлар деб билади ва қадрлайди.

Албатта, ҳар қандай байрам тантанасида эришилган ютуқлар беҳиётир сарҳисоб этилади, амалга оширилган ишларга танқидий баҳо берилиб, янги-янги режа ва вазифалар белгилаб олинади.

Ўзгал пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ва жойларда кенг жамоатчилик иштирокида ўтаётган бугунги учрашувлар сизларнинг ўз касбдошларингиз билан дийдор қуришиб, олдингизда турган мақсад ва муаммоларни муҳокама қилиш, касб маҳоратини ошириш, миллий журналистиканинг ютуқ ва камчиликларини ҳақида яна бир бор атрофлича фикрлашиб олиш имконини беради, деб ўйлайман.

Халқимизга мансуб бўлган азалий одатга кўра, эл-юртга хизмати синган, матбуотнинг оғир юкунини ўз елкасида кўтариб келган муҳтарам оқсоқолларимизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш бундай анжуманларга алоҳида фойда бағишлайди. Айни пайтда бу каби тадбирлар шу кунларга етиб келолмаган ўзгал журналистларнинг номлари ва хотираси ёд этилиши билан ҳам ибратлидир.

Бугунги байрам кунини мен бир масалага алоҳида эътибор беришни истардим. Биз одатда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, аҳамияти ва моҳияти ҳақида, замоннинг ўзи уларнинг олдида қўяётган ўткир талаб ва эҳтиёжлар ҳақида кўп гапираемиз. Аммо, очигини айтганда, бу соҳанинг меҳнати нақадар машаққатли экани, журналист касбини танлаган кишилардан нанки истаёдод ва билим, балки қатъият ва жасорат талаб қилиниши, таъбир жоиз бўлса, уларнинг ноин қаттиқ экани, улар одамларни тинч қолдирмайдиган ташвиш ва муаммолардан холи бўлмасдан юришлари ҳақида, афсуски, камроқ эслаймиз.

Шу ўринда барчамизнинг дилимизда бўлган бир фикрни таъкидлаб айтмоқчи:

ман. Ҳозирги кунда халқимиз янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида қандай юксак марраларга эришган бўлса, уларнинг барчасида, ҳеч шубҳасиз, захматкаш матбуот аҳлининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини шахсан мен ҳеч қачон унутмайман.

Оммавий ахборот воситаларимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган ривожланиш йўлига назар ташлар эканмиз, табиийки, журналистларимизнинг бугунги савияси ва даражасини бундан ўн-ўн беш йил аввалги ҳолат билан мутлақо солиштириб бўлмайди.

Кейинги пайтда миллий матбуотимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборган компьютер ва ахборот технологиялари, Интернет тизими билан бир қаторда, энг аввало, бу воситаларнинг барчасини жонлантирадиган, уларга маъно-мазмун берадиган, таъсирчанлиги ва самарасини амалда намойён қиладиган асосий куч — журналистлар ва матбуот ходимларимизнинг малакаси ва дунёқараши, тафаккури ва маҳорати бошқалардан кам бўлмайдиган даражага ўсиб бораётганини эътироф этиш адолатдан бўлади.

Бугун биз юртимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият қураётган эканмиз, бу масаланинг энг муҳим шартини бўлмиш инсон қадрини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, одамларни дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан ўз вақтида холисона хабардор қилиш, бу жараёнларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, эл-юрт дарди ва интилишлари билан яшаш, барчамиздан, биринчи гада, оммавий ахборот воситалари вакилларидан бу талаб ва мезонларни кундалик ҳаётимизда изчил жорий этишни тақозо этади.

Матбуотимиз олдида турган мана шундай долзарб вазифаларни адо этишда бугун бу борада олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш, жумладан, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни энг замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозлаш, соҳа ривожини учун зарур бўлган ислохотларни амалга ошириш, матбуот аҳлининг масъулияти меҳнатини қадрлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари бундан буюн ҳам давлатимиз, ҳукуматимиз эътибор марказида бўлиши табиий, албатта.

Ўз ҳаётини матбуот соҳасига бағишлаган сиз, азизларга меннинг эзгу тилангим шуки, аввало, хонадонларингиздан тинчлик-тотувлик, фойду барака аримасин, ижодий ютуқларингиз, мухлис ва муштарийларингиз янада кўпайсин.

Сизларни бугунги касб байрамингиз билан яна бир бор кутлар эканман, барчангизга сичат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда оммавий ахборот воситалари фахрийлари, журналистлар, нашриёт ва матбаа ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.



МИЛЛИЙ МАТБУОТ РИВОЖИГА ЭЪТИБОР

Президентимиз Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Мамлакатимизда миллий матбуотимиз ривожини, жамоатчилик фикрини фидолашчи чинакам эркин минбарга айланиши йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширишга таъкидланди. Жамиятни демократлаштириш ва халқимизнинг сиёсий фаоллигини оширишда, фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлашда матбуотнинг ўрни катта эканлиги қайд этилди.

Юртимиздаги энг йирик

олий ўқув юртлири – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида малакали журналист кадрлар тайёрланаётди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Миллий университет қошида икки йиллик Олий журналистика курси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондидини ташкил этилиши миллий матбуотимиз равиолиги йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг яна бир ёрқин намунаси.

Мамлакатимизда матбу-

от, телевидение ва радио фаолиятини янада либераллаштириш, мустақиллиги ва эркинлигини таъминлашга, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, журналист кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бироқ бугунги глобаллашув, мафкуравий курашлар, ахборот хуржлари кучайган давр миллий манфаатларимизни нафақат сиёсий, иқтисодий, ҳарбий жиҳатдан, балки инфорацион хавфсизлик нуқтаи назаридан қатъият билан ҳимоя қилишни талаб этмоқда. Бу эса соҳа ходимлари зиммасига ушбу масъулият юклати баробарида атрофдаги воқеаларга янгича тафаккур, теран

нигоҳ билан қарашни тақозо қилади.

Ингилизча «Йилнинг энг фаол журналисти» танлови ғолиблари ҳамда спортни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишда фаоллик кўрсатган журналистларга дипломлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Санъат усталари ва ижрочини ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С.Иномова, А.Орипов иштирок этди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.
СУРАТДА: танлов ғолибларининг бир гуруҳи.
Муҳаммад АМИН (ЎЗА)
олган сурат.

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси "Йилнинг энг фаол журналисти — 2005" танлови ғолибларини эълон қилади:

Танлов ғолиблари:

Даўит АБИДУЛЛАЕВ (Қорақалпоғистон Республикаси), "Эркин Қарақалпоқстан" газетаси бош муҳаррири ўринбосари — Меҳр-оқибат, миллатлар ўртасидаги бағрикенглик ва тотувлик мавзусидаги мақолалари учун

Жаҳонгир АДИЛОВ, "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уюшмасы бош рассоми — Маънавий-маърифий мавзуларда яратган ижодий ишлари учун

Саида ДАВЛЕТОВА, "Ўзбекистон" телерадиоканали "Ахборот" муҳаррирларининг шарҳловчиси — Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни ёритишга бағишланган ҳамда сиёсий ва халқаро мавзулардаги кўрсатувлари учун

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, "Халқ сўзи" газетаси муҳбири — Ёш авлоднинг миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш мавзусидаги туркум мақолалари учун

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" газетаси бўлим мудирини — Таълим тизимидаги ислохотларни ёритишдаги фаоллиги ҳамда ижтимоий-сиёсий мавзудаги мақолалари учун

Шухрат УМИРОВ, "Жаҳон" ахборот агентлигининг етакчи мутахассиси — Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришларни интернет тармоғи орқали самарали ёритиб борганилиги учун

Куйидаги журналистлар ижодий танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлдилар:

Лев САВЕЛЬЕВ — "Правда Востока" газетаси бўлим мудирини

Саминжон СУЛТОНОВ (Сирдарё вилояти) — "Адолат кўзгуси" газетаси бош муҳаррири ўринбосарини

Ҳамид СУЛТОНОВ — "Ўзбекистон матбуоти" журнали бош муҳарририни

Ботир ТЕМИРОВ (Қашқадарё вилояти) — "Қашқадарё" газетаси бўлим мудирини

Дилфуза ЭСОНОВА — Нодавлат телекомпаниялар телетармоғи муҳарририни

Оловуддин ҒАФҒОРОВ — "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги шарҳловчиси

Олимжон ҲАКИМОВ (Фарғона вилояти) — "Давр овози" газетаси бош муҳарририни

Муҳаббат ҲАМРОЕВА — "Ёшлар" телерадиоканали катта муҳарририни

Ёзги таътил завқи



ҲАР ЛАҲЗАСИ МАРОҚЛИ

Ёзнинг ҳазирама кунларида болажонларимиз таътилни мароқли ўтказишга чоғланиллар.

Айримлари табиатнинг сўлим гўшаларида хордиқ чиқаришни хуш кўрсалар, баъзилари очик сув ҳавзалари бўйидаги оромгоҳларга йўл оладилар. Чунки, шундай иссиқ кунларда муздай зилпол сувларда мириқиб чўмилганга нима етсин.

Бу йилги таътил мавсумида Тошкент денгизи ёқасида жойлашган «Мовий денгиз» ҳамда «Меҳрон» оромгоҳлари ўқувчилар билан гавжум. Бу ерда бир зум бўлса-да, уларнинг

кувнок қулгулари, шўх уйинлари ва қизиқарли машғулоти тинмайди. Сабаби, дам олувчиларга тажрибали тарбиячилар ғамхўрлик кўрсатиб, болаликнинг унутилмас лаҳзаларини тақдим этдилар. Шунингдек, оромгоҳларда турли машғулотлар, спорт мусобақалари ташкил этилиб, танловлар ўтказилмоқда.

СУРАТДА: соғломлаштириш оромгоҳидан лавҳа. **Алишер РИЗҚИЕВ**, (ЎЗА) олган суратлар.

МЕРГАНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Матбуот ва оммавий ахборот ходимлари кунини муносабати билан техник ва амалий спорт турлари марказида пневматик қуролдан ўқ отиш бўйича очик республика биринчилиги ўтказилди.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши хомийлигида ўтган ушбу мусобақаларда 40 дан ортиқ журналистлар икки гуруҳга бўлинган ҳолда иштирок этишди. Якуний натижаларга кўра, эркаклар ўртасида Ўзбекистон телерадиоканали «Ахборот» инфорацион

дастури ходими Шухрат Ёқубов, аёллар ўртасида Эса Спорт телеканали «Хабарлар» инфорацион дастури муҳбири Раъно Мираҳмедова биринчилигини қўлга киритишди. Ғолиблар хомийлар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. **Отаёр ТОҒАЕВ.**

АКАДЕМИЯ МЕРОСИ БЕЛЬГИЯДА

Бельгияда Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Гент университетининг Брюсселдаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди. Унда Бельгиянинг уч юздан зиёд таниқли олимлари, Шаркий Фландрия провинцияси ва Гент шаҳрининг сиёсий, жамоат ва иқтисодий доиралари, шунингдек, Бельгия, Европа Интифоқи ва НАТОда аккредитациядан ўтган хоржий мамлакатлар дипломатик ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

«Жаҳон» АА.

Фалла — 2006

МУВАФФАҚИЯТ ОНЛАРИ ЯҚИН

Вилоятимизда фалла ўрим-ийгими ҳал қилувчи паллага кирди. Ўтаётган ҳар бир кун ғаллакорларимизни улкан меҳнат зафари сари тобора яқинлаштирмоқда. Таҳририятимизга давлатга дон топшириш бўйича шартнома мажбуриятларини ёруғ юз билан адо этаётган ўнлаб ширкат ва фермер хўжаликларидан хушxabарлар келишда давом этмоқда.

рай туманидаги «Барака» фермер хўжалиги раҳбари Неймат Йўлдошев. — Бу мавсум қарамоғимиздаги 30 гектар фалладан 50 центнердан ҳосил кутган эдик. Хисоб-китобимизга кўра, кутганимиздан 10-15 центнерга юқори бўлди. Бу биз-

нинг дастлабки ютуғимиздир.

Албатта, мавсумни қисқа муддатда яқунлаб олишда мавжуд техника воситалари имкониятларидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти катта. Айни вақтда ҳар кун фаллазорларда 260 дан ортиқ



комбайнлар юқори умум билан ишламоқда. Уларга кўрсатиладиган бирламчи техник хизмат ва ёқилги-мойлаш таъминотининг узлуқсиз, бевосита фаллазорларда ташкил этилиши, мақбул меҳнат шариотларининг яратилиши ҳосилни тезроқ саранжомлаб олиш имкониятини яратмоқда.

Бугунги кунгача вилоятимиз ғаллакорлари қабул пунктларига топширган дон 190 минг тоннадан ошди. Ҳар кун фаллазорлардан 10500 тоннадан ортиқ буғдой йиғиштириб олинмоқда. 27 июнга қадар ғаллакорларимиз зиммаларидаги давлат топширигининг қарийб 65 фоизи миқдорда буғдой ўриб-янчиб олишга муваффақ бўлдилар.

Файрат ШЕРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

СУРАТДА: «Барака» фермер хўжалиги раҳбари Неймат Йўлдошев ва комбайн оператори Абдували Иброҳимов режадан ортган ҳосилни чамалашмоқда. **Еркебой БОТИРОВ** олган сурат.

Тадбир

ЁШЛАР СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИ

Олмалик шаҳридаги Марказий ўйингоҳда «Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунин»га бағишланган аънавий тадбир бўлиб ўтди.

Вилоят ҳамда Олмалик шаҳар ҳокимликлари томонидан уюштирилган ушбу тантана олтидан Марказий ўйингоҳ Узбекистон Республикасининг Давлат байроғи ва ранг-баранг алвонлар, турли чақирқ ва шпорлар билан безатилди. Тадбирга вилоят шаҳар

ва туманлари ҳокимликлари, тиббиёт муассасалари, жамоат ташкилотлари вакиллари, ўқув юртлари талабалари ва мактаб ўқувчилари ташриф буюрдилар.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Наримон Ҳайиткулов сўзга чиқиб, аср вабосига ай-

ланиб бораётган гиёҳвандлик иллатининг фожияли оқибатлари, унинг эл-юрт ва жамиятга етказиши мумкин бўлган зарарлари хусусида тўхтади. Шунингдек, бу касалликнинг кенг тарқалишига йўл қўймаслик, айниқса, ёш авлодни бу хатарли йўлдан асраш зарурлигини ўқтирди.

Тиббиёт соҳаси, жамоат ташкилотлари вакил-



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва унинг депутатлари томонидан парламент сўровини амалга ошириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ ВА ҲУҚУҚ

Тадбир куйи палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Президенти ҳузуридagi Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институти, қатор вазирлик ва идоралар вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Анжуманда парламент сўрови дунё парламентлари амалиётида кенг тарқалган назорат шакли эканлиги, шунинг учун амалдаги қонунларда мазкур институт расмий тарзда мустахкамланганлиги таъкидланди. Қонунчилик палатаси, депутатлар давлат ҳокимиятига ва бошқарув органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига қараганда масалалар юзасидан асосланган тушуништириш бериш ёки нуктаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови йўлашга ҳақли.

Семинарда парламент сўровидан амалиётда етарли даражада фойдаланилмаётганлигига эътибор қаратилди. Мавжуд муаммоларнинг ечими юзасидан тақлиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Т. БОТИРБЕКОВ, ЎЗА мухбири.

Нуктаи назар

АЁЛЛАР НУФУЗИ ОШАЁТИР

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳаётида рўй берган тўб ўзгаришларни катта қизиқиш билан қузатаётган чет эллик дўстларимиз ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли борлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Бу тараққиётнинг муҳим бир ҳаракатлантурувчи кучи сифатида ўзалигини намоён қилаётган ўзбек аёли салоҳиятига дунё тан бермоқда. Тошкент вилояти мисолида олиб қарайдиган бўлсак, қарийб 2,5 миллион аҳолисининг 50,2 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг 6085 нафари раҳбарлик лавозимларида, 42,7 мингги sanoat, қурилиш, транспорт ва aloqa соҳаларида, 58,8 мингги қишлоқ хўжалигида, 104 мингдан зиёددроғи эса соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва маданият соҳаларида меҳнат қилмоқ-

да. Шулардан 4 нафари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида, 8 нафари вилоят, 79 нафари шаҳар ва туманларнинг халқ депутатларидир.

Илм-фан йўлида баракали хизмат қилаётган 13 нафар фан докторлари, 73 нафар фан номзодлари, 136 нафар аспирант ва илмий ходимлар аёлларимизнинг ҳар соҳада фидокорлиги, улкан иқтидор эгалари эканлигининг исботидир.

Бу борада Бўстонлик туман хотин-қизлар қўмитасининг қилар қўқаролар йиғинлари ва маҳалларда ҳам маслаҳатчи

аёллар фаолиятини ташкил этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Туман аҳолисининг 70000 дан зиёддини хотин-қизлар ташкил этади. Мавжуд 44 та маҳаллада хотин-қизлар кенгашлари, маслаҳатчилар фаолият юритади.

Зайнаб Муханова меҳнат қилаётган Хумсон қишлоқ фуқаролар йиғинида 7427 нафар аҳоли истиқомат қилади. 1591 та хонадон билан яқиндан aloqa ўрнатган Зайнабхонни маҳалладошлар ўз оиласи аъзосидек қабул қилишади.

Ҳомийлар ёрдамида хусусан, «Хумсон» сыхатгоҳи туман «Маҳалла» жамғармаси томонидан бир қатор кам таъминланган оилаларга қорамол тарқатилди.

лари, талаба ва ўқувчи ёшлар номидан сўзга чиққанлар гиёҳвандликка қарши курашда бутун жамоатчилик ва ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиши лозимлигини таъкидладилар. Тадбирнинг бадий қисмидан ўрин олган таниқли спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари, эл таниган санъаткорлар ижросидаги қўшиқ ва рақслар Марказий ўйингоҳга тўпланганларга хуш кайфият бахш этди.

СУРАТЛАРДА: тантанали тадбирдан лавҳалар. Даврон АҲМАД олган суратлар.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик

МУЛК ЭГАСИ ЎЗГАРГАЧ

Таназулга юз тутган Бекобод ғишт заводи тадбиркорларнинг саъй-ҳаракати туфайли ўтган йили масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди ва дастлабки йилдаёқ 20 миллион 853 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 1 миллион 231 минг сўм соф фойда олинди.

Бу ерда тайёрланаётган 75-100 маркали ғишлар пишқ-пхталлиги, сифатлиги билан харидорлар эътиборини тортоқда. Жамоа шу йилнинг июль ойидан бошлаб ойига 1 миллион донга ғишт тайёрлашни режалаштирган. Бунинг учун корхонада барча имкониятлар бор.

— Келгуси режаларимиз янада катта, — дейди жамият раиси Сирожиддин Оллобердиев. — Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан худудимиздаги 14-мактабни капитал таъмирлаймиз. «Наврўз» маҳалласига оталиқ ёрдами кўрсатамиз. Бундан ташқари ғишт заводи шахарчасини обо-

донлаштириш, кўкаламзорлаштириш ҳам режамизда турибди. Корхонамизда ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш ҳисобига йил охиригача 500 кишини иш билан таъминлаш кўзда тутилган.

Олинадир соф фойда ҳисобига корхонамизга замонавий техникалар, чуноччи, пресс харид қилмоқчимиз. Банкдан кредит олиб, лизинг йўли билан трактор ва экскаватор олиб келиш ниятидамыз.

Ашурали БОЙМУРDOV.

Тошкентда «Ўзбекистонда атроф муҳит ҳолатини мониторинг қилиш учун геоахборот тизимини қўллашда экология индикаторларининг маълумот базасини тақомиллаштириш ва ривожлантириш» лойиҳасининг тақдимоти ўтказилди.

БМТ ДАСТУРИ КЎМАГИДА

— Мазкур лойиҳани мақсади Ўзбекистоннинг табиатдан оқилона фойдаланиш, экологик ҳолатни яхшилаш бўйича тегишли қарорлар қабул қилишда фойдали бўлган ахборотни қўлга киритишдан иборат, — деди лойиҳа менежери Людмила Аксенова тақдимот маросимида. — Лойиҳа 2007 йилгача давом этади. Лойиҳа доирасида жуғрофий ахборот тизими, республика вилоятларининг тематик атласи яратилади. Шунингдек, турли экология ахборотларини таҳлилини ўтказиш учун зарур дастақлар маъмуси ишлаб чиқилади.

Шунингдек, Л.Аксенова, жорий йилда экология индикаторларига оид лойиҳа якунланганини эслатиб ўтди. Бу эса атроф-муҳит ҳолатини баҳолаш ва табиий ресурслардан фойдаланиш шароитларини рўй-рост аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган миллий базани шакллантириш имконини берибди. Ҳар икки лойиҳани ҳаётга татбиқ этилиши эса табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида давлат ахборот-таҳлил марказини ташкил этишга кўмак беради.

«Туркистон-пресс».

Суд ижрочилари нима дейди?

ФАРЗАНДНИНГ КЕЛАЖАГИ МУҲИМ

Фозилбек ўз сўйганига етганидан боши осмонда, гўё дунёда ундан бахтли инсон йўқдек. Ҳақиқатдан ҳам шундай эди. Нодиржон туғилгунча икки ёш ўз савдатларидан сармаст эдилар. Аммо...

Қайнона набирали бўлган келинини чиқиштирмайдиган, кунда-кунора бесабаб жанжал чиқариб, қандайд бўлмасин уни ўғлидан ажраштириш ҳаракатига тушиб қолди. Келин шўрлик бу зугумларга бардош беролмай онасининг уйига кетади.

Орадан икки йил ўтса ҳамки, ёшларнинг ҳаёти қайта изга тушиб кетмади. Ниҳоят суд ўз сўзини айтди, улар ажрашилди...

Боланинг онаси Нигорахон эса энди эридан алимент ундириш ҳаракатига тушди ва судга муурожаат қилди. Туман суд ижрочилари департаменти томонидан болага тегишли ҳақ ундириб берилди.

Ҳаётимизда бундай воқеалар учраб туради. Эр-хотин, қайнона-келин муносабатларининг ривожланишида эмаслиги оқибатида икки ўртада гўдақлар тирик етим бўлиб қоладилар. Баъзан, оналар отадан алимент пулини ундиришга, сарсон саргардон бўлиб қолиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатларни адолатли ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш департаменти худудий бўлиmlлари суд ижрочилари фуқароларга яқиндан ёрдам бериб, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Оила» кодексининг 96-моддасига мувофиқ ҳар бир ота-она вояга етмаган ўз болаларини ҳар томонлама моддий таъминлаш кераклиги кўрсатиб ўтилган. Кўпчилик оталар эса, фарзандлари учун алимент тўлашдан бош тортадилар. Тегишли йўл-йўриққа мувофиқ агар уч ойдан ортқ мuddатда алимент тўловчи

шахс бўйин товласа, унга нисбатан Жиноят кодексининг 122-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, жавобгарликка тортилади.

Шунинг учун бўлса керак, баъзи бир қарздорлар алимент тўлашдан атайин бўйин товлаб, департаментдан ўзларининг яшаш манзилларини яширадидилар. Бундай ҳолларда суд ижрочилари томонидан Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 42-моддасига асосан ўша шахсга нисбатан қидирув эълон қилинади. Бу ишда ички ишлар ходимлари яқиндан ёрдам беришади.

Масалан, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманларо фуқаролик ишлари бўйича судининг 2005 йил 28 мартдаги ижро варақасига кўра Ё. Тожибоевдан М. Тошмухамедова фойдасига икки нафар фарзандининг таъминоти учун ҳар ойда ойлик даромадининг 1/3 қисми микдорда алимент ундириш белгиланган. Аммо, қарздор алимент пулларини тўламасдан, ўзининг яшаш манзилини яшириб келган. Шу сабабли Ё. Тожибоевга нисбатан қидирув эълон қилинган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо, масаланинг бошқа тарафи кишини ўйлантириб қўяди. Моддий таъминотсиз қолаётган болалар кўпинча жиноят қўчасига кирмоқдалар. Улар томонидан кўплаб ҳуқуқбузарликлар содир этилмоқда. Ахир бундай йўлга кирган ўсмирлардан келажақда маънавий баркамол, жамият учун фойдаси тегадиган инсон етишиб чиқиши мумкинми?

Собит ҲАЙДАРОВ. Ўқуқ тўғрисида суд ижрочилари бўлими катта суд ижрочиси.

МАЛОМАТСИЗ ЯШАГАН МАЪҚУЛ

Коммунал тўловларни ўз вақтида тўламаётган фуқароларнинг масъулиятсизлиги оқибатида бошқалар ҳам жабр кўрадилар.

Мавжуд қарздорликни қисқартириш учун газ, сув, электр қуввати узиб қўйилаётди. Бунинг олдини олиш мақсадида қайд этилган тўловларни вақтида тўламаган фуқароларга нисбатан тўпланган ҳужжатлар судга тақдим этилиб, суд томонидан қабул қилинган қарорлар мажбурий тартибда ижро этиш учун суд ижрочилари бўлиминисига юборилмоқда.

Маълумки, улар «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасида кўрсатиб ўтилган мuddат ичида сўзсиз баҳариллиши шарт. Суд ижрочилари томонидан белгиланган мuddат ичида тўловлар қарздорлар томонидан ижтисий равишда баҳарилмасо, улар ушбу қонуннинг 82-моддасига кўра, жаримага тортилади. Ундирув 46-моддага мувофиқ қарздорнинг мол-мулкига, иш ҳақиқа қаратилади.

Чиноз шаҳар Ешлик маҳалласи 13-уйда яшовчи 10 та хонадон эгалари «Чиноз» уй-жой мулкдорлари ширкатидан қарз бўлганлари учун судга берилган. Улар белги-

ланган мuddат ичида қарзларини қопламаганликлари боис ундирув мол-мулкларига қаратилади. Жумладан, 13-уй 1-хонадон эгаси К. Пашалиев, 3-хонадон эгаси С. Агалиева, 4-хонадон соҳиб-би Ж. Икромов ва бошқаларнинг мол-мулки суд ижрочилари томонидан хатлиниб, олиб чиқиб кетилди. Шунингдек, суд ижрочилари томонидан иш юритувларда бўлган ижро ҳужжатлари асосида электр энергияси учун Ш. Миррахмедовдан 233 минг сўм, М. Каримовдан 215 минг сўм, табиий газ учун М. Саримсоқовдан 77 минг сўм, Г. Тўйчибековдан 54 минг сўм, М. Юсуповдан 127 минг сўм қарзлар мол-мулкка қаратилиб, мажбурий тартибда ундирилган.

Фуқаролар тегишли хизмат кўрсатувчи корхоналар, суд ва суд ижрочиларига ортиқча иш, ўзларига қўшимча ташвиш ортирмай, қўрсатилган хизматлар учун тўловларни вақтида амалга оширишса, айтиш мuddао бўлур эди.

Жаҳонгир ҚОБИЛОВ, суд ижрочилари туман бўлиминиси ижрочиси.

БУНДАН КИМГА НАФ?

Ўзбекистонда Тожикистон фуқароси кўлга олинди. Унга ўз мамлакатини худудда кўпоровчилик ҳаракатини тайёрлаш вазифаси топширилган экан.

«Press-uz.info» ахборот агентлигининг хабар беришига кўра, яқинда Сурхондарё вилоятининг Бандихон тумани худудда кўшни мамлакатнинг Хатлон вилояти Шаартуз туманида яшовчи Тожикистон фуқароси Муродулло Жўраев чет элликларнинг республика худудда бўлиш тартиб-қоидасини бузганлиги учун кўлга олинди. Бирок, дастлабки сўровлар шуни кўрсатдики, кўлга тушган киши шунчаки оддий фуқаро бўлмай, анчагина «муҳим» шахс экан. Ўзининг сўзларига қараганда, М. Жўраев 2000 йилда гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний сақлаб келганлиги учун Тожикистоннинг Хатлон вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ҳибсга олинган ва 12 йил мuddатга озодликдан маҳрум этилган эди. 2005 йилда у қолган мuddатни эркин бадарғада

ўтказишга чиқарилган бўлиб, шу йилнинг 26 июнида, яъни мuddатидан олдин қамоқдан озод қилиниши лозим эди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: кўшни республикада ҳукм этилган, гиёҳвандлик моддалари билан шугулланишнинг устаси бўлган шахс қандай қилиб Ўзбекистон худудда пайдо бўлиб қолди? У бераётган қўрсатмалар ҳақиқий манзарага ойдинлик киритмоқда.

М. Жўраев 2006 йилнинг январидаяёқ Тожикистон ИИВ жиноят қидирув бошқармаси бошлигининг ўринбосари подполковник А. Қосимов М. Жўраевга овозсиз ўқ отадиган пистолет, шунингдек, кундалик сарф-харajatлари учун 800 АҚШ доллари бериб, янги, «Жеймс Бонд» ни Ўзбекистонга жўнатди. М. Жўраев кўшни мамлакатда иккита асосий топшириқни бажариши лозим эди. Бирин-

вазифани бажариш. Агар М. Жўраев «тўғри» йўлни танласа, унга чет эл валютасида каттагина пул ва ҳам ўзи учун, ҳам оиласи учун Тожикистон худудда хавфсиз ҳаётни кафолатлаш ваъда қилинган эди.

Ўзидан нима талаб қилинса, ҳаммасини бажаришга розилиги олингач, М. Жўраев Тожикистоннинг Варзоб туманидаги тоғли минтақага жўнатилди. Бу ерда у жанговар тайёргарликдан ўтди. Хусусан, унга махсус куролдан ўқ отишни ҳам ўргатишди.

2006 йил февралнинг охири янада ғазаблантирадиган даражада бўлиб, Ўзбекистон худудда ошқора террор содир этиш, яъни муайян бегуноҳ кишиларни йўқ қилишдан иборатдир.

Кўлга олинган шахсга нисбатан тергов давом этмоқда. Эҳти-молдан ҳоли эмаски, тожикистонлик тартиб посбонларининг иш услублари ва режалари хусусида янада ажабланирли маълумотлар ҳам очилиб қолар.


ХИТОЙ АРХЕОЛОГИЯСИ ФОТОКЎРГАЗМАСИ

Хитой халқ республикасининг мамлакатимиздаги элчихонасида очилган фотокўргазма «XX асрда Хитойда топилган 100 та йирик археология топилмалари» деб аталади.

— Мазкур кўргазма ХХРнинг маданият вазирлиги томонидан ташкил этилди, — деди Хитой элчихонасининг маданият масалалари бўйича маслаҳатчиси Суй Инцзе. — Кўргазмада Хитойнинг ижтимоий фанлар академияси қошидаги археология институти томонидан сўнгги йилларда кашф этилган ноб топилмалар намойиш этилмоқда. Кўргазма экспозициясидан жой олган рўзгор анжомлари, кулолчилик, металл буюмлар катта илмий аҳамиятга эга.

Кўргазмада Тошкентдаги олий ўқув юртлари талабалари, шунингдек, жорий йилнинг майда ХХРнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ташаббуси билан ташкил этилган «Хитой тили кўприги» танлови қатнашчилари ҳам иштирок этишди. Мазкур танлов голиби Жахон иқтисодий ва дипломатияси университети магистранти Марғуба Сиддиқова июль ойида Пекинда бўладиган конкурсининг якунловчи босқичида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

«Туркистон-пресс».



КУТУБХОНАДА КИТОБ КЎП

Оққўрғон тумани марказлашган кутубхоналар тармоғида битта марказий ҳамда болалар кутубхонаси, шунингдек, 27 та тармоқ шохобчалари фаолият кўрсатади.

Мастура Расулматова бошчилиги қилаётган марказий кутубхоналар тизимининг китоб фонди йилдан-йилга бойиб бормоқда. Ҳозир китоблар сонига қарийб 190726 нусхага етди. Бугунги кунда кутубхона ходимлари 25 минг китобхонга беминнат хизмат қилмоқда.

Тармоқнинг барча кутубхоналарида муҳим саналарга бағишлаб турли адабий-бадий кечалар, учрашувлар ўтказилмоқда.

СУРАТДА: Мастура Расулматова китобхонга китоб танлашга ёрдамлашмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ҚҮМИТАДА АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида мамлакатимиз солиқ сибсатининг асосий йўналишлари, солиқ қончилигидаги янгиликлар ва ўзгаришлар, солиқ тизими ҳаётини оммавий ахборот воситаларида малакали ёритиш масалаларида бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда солиқ хизмати масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримовнинг солиққа доир фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан солиқ хизмати ходимлари кўраётган чора-тадбирлар, тизимда ислохотларнинг бориши, солиқ тўловчилар учун яратилган имтиёз ва имкониятлар бўйича батафсил маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан сўнгги йилларда мамлакатимизда солиқ сибсатини либераллаштириш ва унификация қилиш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, солиқ органлари масъулиятини кучайтириш, солиққа оид жиноятларнинг олдини олиш мақсадида солиқ тўловчиларга ёрдам бериш ва уларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

МАФТУНКОР РАНГЛАР ДУНЁСИ

Мамлакатимизда имконияти чекланган болаларнинг "Мафтунокор ранглар дунёси" мавзуда ўн биринчи халқаро кўриқ-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳри босқичлари ўтмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган маъруза танлов Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Халқ таълими вазириликлари, "Ёнгра" халқаро инсонпарварлик жамғармаси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Бадиий академия, "Sen yolg'iz emassan", "Соғлом авлод учун", Ўзбекистон Болалар жамғармалари ҳамда бир қатор вазирилик ва идоралар билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Имконияти чекланган болалар истеъдодини намойён этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида аънаванай тарзда ташкил этиладиган маъруза танловнинг туман, шаҳар ҳамда вилоят босқичларида қўллаб-қувватловчи ўғил-қизлар иштирок этаётди. Танловнинг якуний босқичи Мустақиллик байрами арафасида вилоятнинг Юқори-чирик туманидаги Ийк-ота посёлқасида жойлашган "Енг Нак" тиббий реабилитация марказида бўлиб ўтди. Бу йилги кўриқда аввалгиларига нисбатан анча кўп ўғил-қиз қатнашди. Танловда Марказий Осиё республикалари билан биргаликда илк бор Россия, Жанубий Корея каби давлатлардан ҳам вакиллар иштирок этади.

МАВСУМ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТМОҚДА

Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари томонидан 2006 йил бошқоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари ички ишлар идоралари ходимлари, хусусан, ёнғин, йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари, профилактика инспекторлари, фуқаролар йиғинлари, ҳўжалик раҳбарлари, фермерлар билан ҳамкорликда галла майдонларида ёнғиннинг олдини олиш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, галла майдонларини мунтазам назорат қилиб бориш юзасидан кенг жамоатчилик орасида тушунтириш ишлари кенг йўлга қўйилган. Мавсум иштирокчилари ва галла етиштирувчиларга энг аввало, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилишлари лозимлиги уқтирилмоқда. Шунингдек, галладан бўшаган майдонларни шудгорлашдан олдин сомондан тозалаш мақсадида ёқиб юборишнинг олдини олиш чоралари кўрилмоқда.

Донни қабул қилиш, сақлаш, қуриштириш ва қайта ишлаш корхоналарига, галлазорлар атрофидаги ҳамда автомобил йўллари ёқаларига ёнғин хавфсизлигини тарғиб қилувчи 181

та панно ўрнатилди. Мавсумда иштирок этаётган барча турдаги транспорт воситаларини бирламчи ўт ўчириш воситалари ва уққун ўчиригич билан таъминлаш чоралари кўрилган.

Шу билан бирга туманларда галла ўриш комбайнларидан тузилган 110 та гуруҳнинг ҳар бирига ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари бириктирилди. Туманлардаги ёнғин хавфсизлиги қисмларида 17 та ёнғин ўчириш автоматини навабатчиликка ажратилган.

Шерали АНВАРОВ, вилоят ички ишлар босқармаси матбуот маркази катта инспектори.




«Охангарон дон» очик акциядорлик жамиятига қарашли «Тўйтепа дон» галла қабул қилиш шахобчаси бу йил 31 минг 836 тонна бугдой учун шартнома тузган. Шундан 3768 тоннаси уруғликдир. Шу кунгача қабул қилиб олинган маҳсулот 4 минг тоннадан ошди. СУРАТЛАРДА: (ўнгдан чапга) опа-сингил лаборантлар Руния ва Фания Гемалдиновалар уруғ сифатини назоратдан ўтказишмоқда; ходим Шарифа Калсеидова жамонинг энг фаол аъзоларидан; (ўнгдан чапга) уруғчилик бўйича мутахассис Ҳаёт Азаматов ҳамда туман уруғлик назорати бўлими бошлиғи Ботир Сотибоев иш устида. Даврон АХМАД олган суратлар.

Ғўза парвариши

МЎЛ ҲОСИЛГА ЗАМИН ЯРАТИЛЯПТИ

Бу йил Чиноз тумани далаларида ғўзанинг ривож чакки эмас. Айрим ширкат ва фермер ҳўжаликлари эса аввалги йилларга нисбатан 8-10 кун жадаллиги бор.



26 июнь куни Акбар Раҳимов кулолчилик мактабида кулолчиликнинг аънаванай технологияларига бағишланган биринчи семинари очилди. У «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси» ҳамда ЮНЕСКО томонидан ташкил этилди.

Учрашувдан кўзланган мақсад — қадимий аънавалар, табиий буюқлардан фойдаланишнинг тарихий технологияларини тиклаш, санъатнинг буйўналишини ривожлантиришдаги

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ КУЛОЛЛАР СЕМИНАРИ

Ўзбекистоннинг барча вилоятларидаги миллий амалий санъатимизнинг энг нодир йўналишларидан бири — кулолчиликнинг моҳир усталари касбий масалалар, тажриба алмашиш йўллари муҳокама қилиш, ўзларининг янги иш усуллари ва технологияларини намойиш этиш учун Тошкентда йиғилдилар.

тажрибани умумлаштириш ва янги турларини кашф этишдир. Семинарда мамлакатимиздаги барча кулолчилик мактаблари

Бу бежиз эмас, албатта. Ҳар бир майдонда кўчатнинг бут бўлиши ва дуркун ривожланиши учун қатор ораларини юмшатиш ва сувга қондириш, айниқса, ўғитга тўйдиршига жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга ғўза зараркундаларига қарши кўпроқ биологик усулда кураш олиб борилмоқда. Агротехник тадбирлар, хусусан, «Тошпулат ҳожи» фермер ҳўжалигида оби-тобида ўтказилмоқда. Шу боис 32 гектар пахта майдонининг асосий қисмида ҳар түп ғўза 12 тагача шоқлаган. Шунингдек, баравж ривожланаётган ниҳоллар текис гулга кирган.

СУРАТДА: (чапдан) фермерлар Отабек Камолов ва Даврон Очиллов ўзаро тажриба алмашишмоқда. Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

Table with 3 columns: ЖУМА 30, ШАНБА 1, ЯКШАНБА 2. Each column lists TV programs with times and channels (e.g., Ўзбекистон 1tv, ЁШЛАР).

Advertisement for 'Jaholatga qarshi ma'rifat bilan' (Against Ignorance with Knowledge) featuring Mahmud TOIR, O'zbekiston xalq shoiri. Includes the title 'OGOH BO'L, DUNYO (Doston)' and a list of poems with their authors.

